

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ МИРЗОХИД ИСМОНХУЖАЕВИЧ

**ЎЎЗА:ФАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШНИНГ ОРАЛИҚ МУДДАТИДА БЕДА
ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ
(Фарғона вилояти оч тусли ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УЎТ: 631.48/432:631.535.

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ботиров Мирзохид Исмонхужаевич

Ўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралик муддатида беда
етиштиришнинг самарадорлиги (Фарғона вилоятининг оч тусли
ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида)..... 3

Ботиров Мирзохид Исмонхужаевич

Эффективность возделывания люцерны в промежуточный период
чередования хлопчатник:зерновые культуры (В условиях светлых
лугово-сазовых почв Ферганского вилоята)..... 21

Botirov Mirzoxid Ismanxujaevich Efficiency of alfalfa production in
the interim period of the cotton:wheat alternation system (in conditions
of light meadow-saz soils of the Fergana province)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ МИРЗОХИД ИСМОНХУЖАЕВИЧ

**ҒЎЗА:ҒАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШНИНГ ОРАЛИҚ МУДДАТИДА БЕДА
ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ
(Фарғона вилояти оч тусли ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В 2017.3. PhD/Qx.145 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме))
Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали
(www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Одилжон Олимжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Телляев Рихсивой Шамахамадович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Таджиев Мардон
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й,
ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-62-37; e-mail:
g.selek@qsxv.uz.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№
рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й,
ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё қишлоқ хўжалигида деҳқончилик билан банд мавжуд экин майдонларидан олинadиган ҳосил ер юзаси аҳолисининг озиқ-овқат, саноатнинг хомашё ва чорвачиликнинг озукага бўлган талабини қондириш учун хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга йўналтирилган ресурстежамкор технологиялар АҚШда 19,3 млн, Бразилияда 17,3 млн, Ҳиндистонда 14,8 млн, Хитойда 12,3 млн, Мексикада 10 млн, Австралияда 3,5 млн ва Покистонда 3,7 млн жами 80 млн гектар майдонда жорий этилмоқда¹.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда асосий тармоқлардан пахтачилик ва галлачиликни янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш, дон ва дуккакли экинлар экиш орқали тупроқ унумдорлиги муаммоларини мақбуллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олимлар томонидан мавжуд агротехнологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга илмий асосланган экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини сақловчи экин турларини экиб етиштириш борасида муҳим изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида қисқа муддат ичида дон мустақиллигига эришилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ техникасидан фойдаланиш»да муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, қисқа муддатли навбатлаб экиш тизими ва жадал етиштириш агротехнологияларини қўллаш орқали суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017 – 2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сонли, 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экин учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3027-сонли ва 2017 йил 15 сентябрдаги «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва

Бичими 84x60^{1/16}. «Times New Roman» гарнитураси. Рақамли босма усулда босилди. Шартли босма табоғи 3. Адади 100. Буюртма № 8.

«ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» босмахонасида чоп этилди. 100170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13 - уй

¹<https://www.embrapa.br>, <https://www.icc.or>, <http://www.link.springer>, <http://www.indianjournals>

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алмашлаб экиш тизимида бедани 2–3 йил давомида асосий экин сифатида парваришлашни тупроқ унумдорлиги ва алмашлаб экиш маҳсулдорлигига таъсири бўйича республикада З.Турсунходжаев, М.Сорокин, А.Болкунов, Қ.Мирзажонов, М.Муҳаммаджонов, А.Зокиров, С.Муслимов, Р.Тиллаев, Б.Холиков ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Лекин ушбу тадқиқотлар кўп йиллик беда:ғўза (3:7) алмашлаб экиш тизимида бажарилган. Республикада мустақилликнинг дастлабки йилларидан озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ғўза майдонлари босқичма-босқич қискартирилиб, ўрнига бошоқли дон экинлари киритилди. Бунинг натижасида пахтачилик комплексида ғўза билан бирга беда майдонлари ҳам кескин равишда қискартирилди. Натижада улар ўрнига бошоқли дон экинлари экилиб, мамлакат жуда қисқа даврда ғалла мустақиллигига эришиб, экспорт қилувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Бошоқли дон экинларидан кейин 30 дан ортиқ турдаги такрорий экинлар, сабзавот, полиз, картошка, дон, дуккакли дон, озуқабоп ҳамда бошқа экинлар интенсив равишда экилиши натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиш қонунияти кузатилмоқда.

Ҳозирги даврда республикада қабул қилинган ғўза:ғалла(1:1) интенсив навбатлаб экиш тизимида янги ғўза:ғалла оралиқ муддатида тупроқ унумдорлигини мақбуллаштириш мақсадида бир йиллик беда етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Республикада бугунги деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлиги масаласи жиддий муаммо бўлиб, уни ҳал этиш бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаганлиги сабабли, тадқиқотлар кўламини янада ошириш талаб этилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитида пахта мажмуидаги янги экинларда алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш» (1993–1995 йй.) ҳамда «Такрорий дуккакли экинларни тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири» (2011–2014 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимида бедани оралиқ муддатда парваришлашнинг тупроқ хоссалари, унумдорлиги ва кейинги экин – ғўза ҳосилдорлигига таъсири аниқлашдан иборат.

23. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева, Т.Ураимов. Ғўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралиқ муддатида беда етиштиришнинг самарадорлиги // Тавсиялар. – Андижон, 2017.

24. М.Ботиров, О.Ибрагимов, Г.Усмонхўжаева. Ғўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралиқ муддатида беда етиштиришнинг самарадорлиги // Тавсиялар. – Андижон, 2018.

13. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Экиш муддати ва усулларига кўра беданинг унувчанлик ҳамда яшовчанлиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2017. № 9. Б. 49.

14. М.Ботиров. Влияние возделывания люцерны на физические свойства почвы в интенсивной системе чередования культур // Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2018 №1(98) С. 100-103.

II бўлим (II часть; II part)

15. М.Ботиров. Эффективность посева люцерны в интенсивной системе чередования культур // Сибирский вестник, научный журнал. - Новосибирск, 2016. №1(248) январь-февраль. С. 113-118.

16. М.Ботиров, Т.Ураимов, Г.Усмонхўжаева. Влияние покровного посева люцерны на поживные, корневые остатки и водопрочных агрегатов в почве // Казахский национальный аграрный университет. Исследования результаты. Научный журнал, выпускаемый ежеквартально. – Алматы, 2017. №2. С. 147-15.

17. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида беда парваришлаш // «Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлашда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти» мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжумани тўплами. – Тошкент, 2012. Б. 257-259.

18. М.Ботиров. Интенсив навбатлаб экиш тизимида беданинг самарадорлиги // «Ўзбекистон пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари» номи Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 2014. Б. 23-24.

19. М.Ботиров. Влияние люцерны на содержание интенсивной технологии возделывания хлопчатника // Международной научно-практической конференции молодых учёных, аспирантов и студентов. – Харьков, 2015. С. 50-52.

20. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Бедани кузги бугдой билан ҳамкор парваришлашнинг самараси // «Ёшлар илмий салоҳиятини юксалтириш - давр талаби» мавзусидаги ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг ХХХХ- илмий-амалий анжумани тўплами. – Андижон, 2016. Б. 81-84.

21. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева, Х.Собиралиев. Бедани кузги бугдой билан қоплама парваришлашнинг тупроқ гумуси ва мелеоратив ҳолатга таъсири // Республика олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилари ва магистрлари ҳамда иқтидорли талабаларнинг 2-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон, 2016. Б. 179-183.

22. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева, М.Назаров. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш оралиғида беда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги // Республика олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилари ва магистрлари ҳамда иқтидорли талабаларининг 2-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон, 2016. Б. 183-187.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оч тусли ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида кузги бугдой билан бедани ғўза:бугдой навбатлаб экиш оралиғида етиштиришни мақбул муддатини аниқлаш;

кузги бугдой ва бедани ғўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралиқ муддатида етиштиришнинг тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий хоссалари ва агрегат ҳолатига таъсирини аниқлаш;

кузги бугдой:бедани оралиқ муддатда экишнинг бугдой ва беданинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

кузги бугдой ва беданинг ўсиб-ривожланиши давомида қолдирилган илди, анғиз қолдиқлари миқдори ва тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи-соз тупроқлари, ғўзанинг «Наманган–77», кузги бугдойнинг «Половчанка» ва беданинг «Тошкент–1» навлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб тупроқнинг асосий агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, бедани экиш усуллари, муддатлари, кўчат калинлиги, экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, илди анғиз, тупроқ унумдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларда лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини жойлаштириш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатиш, турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Методика исследования с зернобобовыми культурами», «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Тажрибаларда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги бугдой билан ҳамкор равишда беда етиштиришнинг турли муддат ва усуллари ишлаб чиқилган;

кузги бугдой:беда етиштиришда тупроқда қолаётган илди, анғиз миқдори ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири аниқланган;

кузги бугдой:беда етиштиришнинг кейинги экин–ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

бедани бугдой билан ҳамкорликда экиш ва ундан кейин ғўза етиштиришнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Фарғона вилояти тупроқлари шароитида ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимида оралиқ муддатда беда парваришлаш учун уни уруғи очиқ майдонга экилган бугдой майсалари орасига март ойининг биринчи ўн кунлигида экиб,

хамкор ўстирилганда 45,2 ц/га буғдой дони, 51,1 ц/га сомони, 88,7 ц/га беда пичани олинган ҳамда юқори самарадорликка эришилган;

асосий экин буғдойдан ғўзагача бўлган оралик муддатда беда парваришланиб, беданинг ўримидан 88,7 ц/га пичан ҳосили олинди, ундан кейин бедани эрта баҳорда ҳайдалгунча ўстириб, ўртача 28,3-33,6 ц/га яшил массасини КИР-1,5 агрегати ёрдамида майдалаб, бедапоя ҳайдалганда тупрокнинг 0–60 см қатламида 139,7 ц/га миқдорда оксил, макро ва микро элементларга бой бўлган органик масса тўплаш мумкинлиги исботланган;

издош экин ғўзанинг пахта ҳосилдорлиги ўртача 32,9 ц/га, назоратга нисбатан 3,8 ц/га юқори ҳосил олинган, соф фойда 333500 сўм/гани, рентабеллик даражаси 24,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг миллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг, ишлаб чиқаришга ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимини қўллаш соҳасида кенг жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларида муҳокама қилинганлиги натижаларининг ишончлилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интенсиф ғўза-ғалла (1:1) навбатлаб экиш деҳқончилик тизимидаги тупроққа қайтарилиш қонунияти паст даражасини муайян даражада ошириш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва унинг хусусиятларини сақлаш учун, мазкур шароитларда қимматли бўлган дуккакли беда экинини икки асосий экин оралиғида етиштириш имкониятлари мавжуд эканлиги назарий жиҳатдан илмий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдой, беда ва ғўза ўсимликларини зарур ҳаётий омиллар билан маълум даражада етарли таъминланиши натижасида уларнинг ҳосилдорлик ва сифат ўзгарувчанлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликлари, кузги буғдой билан беда етиштириш муддат ва усуллари ҳамда улардан кейин самарали ғўза етиштириш тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқлари шароитида навбатлаб экиш тизимида бедани буғдой ва ғўза оралиғида парваришлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

навбатлаб экиш тизимида бедани буғдой ва ғўза оралиғида экиш бўйича «Ғўза-ғалла навбатлаб экишнинг оралик муддатида беда етиштиришнинг самарадорлиги» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 7/21-89-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома кўп тармоқли фермер хўжаликларида навбатлаб экиш тизимида бедани буғдой ва ғўза оралиғида етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. М.Ботиров, О.Ибрагимов. Тупроқ, гумус ва ҳосилдорлик // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2011. №7. Б. 29-30.
2. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экишда оралик муддатда беда парваришлаш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2012. №2 (22). Б. 25.
3. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экишда оралик муддатда беда парваришлашни тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсири // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2012. №7. Б. 24.
4. М.Ботиров. Интенсиф навбатлаб экиш тизимида беда етиштиришнинг тупроқ физик хоссалари ва пахта ҳосилига таъсири // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2015. № 6 (38). Б. 60-61.
5. М.Ботиров. Беда билан бирга парваришланган буғдойнинг ўсиши ва ҳосилдорлиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2015. №12. Б. 30.
6. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Бедани кузги буғдой билан бирга парваришлашнинг самараси // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2016. №2 (40). Б. 21-22.
7. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш оралиғида беда етиштириш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2016. № 3 (41). Б. 36-37.
8. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Бедадан кейин ҳосил қилинган турли агрофонларда уруғлик чигит унумчанлиги ҳамда ғўза ниҳоллари яшовчанлиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2017. № 3 (47). Б. 89-90.
9. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экишда беда парваришлаш ва буғдой ҳосилдорлиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2017. № 4 (48). Б. 85-86.
10. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Ғўза-ғалла навбатлаб экишда оралик муддатдаги беданинг ғўза ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2017. №7. Б. 33.
11. М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева. Ғўза-ғалла навбатлаб экишда оралик муддатда беда парваришлашнинг тупроқ унумдорлигига таъсири // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. – Тошкент, 2017. № 8. Б. 31.
12. М.Ботиров. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш оралиғида беда етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «AGRO ILM» илмий иловаси. – Тошкент, 2017. № 5 (49) Б. 112-113.

«Shukurdavlat», «Fakhriddin Khoji», «Davr Tursin» farms of the Kushtepa district, Fergana province and in the 67,9 ha of the «Azizbek Khususiy», «Anvarjon Zotli Chorvasi», «Shakhriyor», «Rasul-D» and «Rozikjon» farms of the Shakhrikhan district, Andijan province (Reference No 7/21-89 of the Ministry of Agriculture and Water Resources from January 23, 2018). As a result, the average cotton yields constituted 3,29 t ha⁻¹, which were by 0,30 t ha⁻¹ higher compared with conventional cultivation methods.

The dissertation structure and volume. The dissertation consists of an introduction, five chapters, conclusions, a reference list and appendices. The volume of the dissertation is 120 pages.

ғўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралик муддатида беда етиштириш бўйича ишлаб чиқилган агротехнологиялар Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Юксалиш чорва саховати», «Бегойим файз барака», «Зулфия Олтиариқ» ва «Бегас наслчилиқ» фермер хўжаликларида жами 43,7 гектар, Кува туманидаги «Роҳатой», «Сафарали Тешабоев» фермер хўжаликларида жами 55,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 7/21-89-сонли маълумотномаси). Натижада издош экин ғўза ҳосилдорлиги гектарига 32,0 центнерни ташкил этган ва оддий усулга нисбатан 3,0 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

1:1 навбатлаб экиш тизимида бедани бугдой ва ғўза оралигида етиштириш технологияси Фарғона вилояти, Қўштепа туманидаги «Шукурдавлат», «Фахриддин хожи», «Давр Турсин», фермер хўжаликларида жами 45,0 гектар, Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги «Азизбек хусусий», «Анваржон зотли чорvasи», «Шаҳриёр», «Расул-Д», «Розикжон» фермер хўжаликларида 67,9 гектар ва жами 211,6 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 7/21-89-сонли маълумотномаси). Натижада пахта ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 32,9 центнерни ташкил этган, қўшимча 3,8 центнер пахта ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 24,5 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили АндҚХИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўза:ғалла навбатлаб экишнинг оралик муддатида беда етиштириш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган бўлиб, бунда алмашлаб экиш тарихи, мамлакатимиз шароитида бу борада олиб борилган илмий изланишлар, алмашлаб экишнинг моҳияти ва алмашлаб ҳамда навбатлаб экишнинг ўзага таъсир этиш механизмлари назарияси, шунингдек, мавзу мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ўзанинг ўсиб-ривожланишига турли агротадбирларнинг таъсири бўйича олинган маълумотлар баёни, турли ташки омилларнинг ўза:ғалла алмашлаб экишни самарадорлигига таъсирини ўрганиш борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ёритилган. Адабиётлар таҳлилининг хулосасида ўза:ғалла янги деҳқончиликнинг навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлиги муаммоси мавжудлиги ва илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги бу борада мақсадли таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказиш жойи, тупроқ-иклим шароитлари, қўлланилган услубиятлар**» деб номланган иккинчи бобида тажриба олиб борилган жойларнинг тупроқ-иклим шароитлари, тажриба йилларида ойлари бўйича суткалик ҳаво ҳарорати баён қилинган. Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқларининг ҳайдалма қатламида (0–40 см) чиринди миқдори ўртача 0.964%, озика унсурларининг ҳаракатчан шакллари яъни, нитратли азот ($N-NO_3$) 29,6-35,4 мг/кг, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) 37,2-38,0 мг/кг ва алмашинувчи калий (K_2O) 260-344 мг/кгни, тупроқнинг ҳайдов ости (40 – 60 см) қатламида эса чиринди миқдори 0.767 % ни, нитратли азот ($N-NO_3$) 21,6-26,0 мг/кг, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) 20,0-32,2 мг/кг ва алмашинувчи калий (K_2O) 200–308 мг/кгни ташкил этиб, тажриба даласининг тупроғи ҳайдов қатлами озика унсурлари билан ўртача, ҳайдов ости қатлами эса кам таъминланганлиги баён қилинган.

Шунингдек, йилнинг ўртача ҳаво ҳарорати 12,1 - 14,3⁰ С ни, фойдали ҳароратлар йиғиндиси 3800 – 4200⁰ С га тенг бўлиши қайд этилган. Тадқиқотлар ўтказилаётган барча муддатларда беда сепаётган пайтдаги суткалик ҳаво ҳарорати мақбул бўлганлиги, беда уруғларини экиш муддатлари ҳамда беданинг кўчат қалинликлари ижобий бўлганлиги кўрсатилган. Фенологик кузатув ва ҳисобга олишлар, тажриба вариантлари бўйича ҳисоб майдончаларидаги ажратилган тахта қозикчалар ҳамда ёрликлар (этикетка) билан белгилаб қўйилган ўсимликларда амалга оширилган.

Тадқиқотлар жараёнида турли агрофонларда парваришланган беда ўсимлиги умумий қабул қилинган методикага асосан кўчат, поялар сони, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилган.

Ўзанинг ривожланиш давлари давомида ҳар ойнинг 1-3 куни ўсимликнинг асосий пояси баландлиги, ҳосил шохлари, шона, гул ва кўсақлар сони аниқлаб борилди.

Буғдой, ўза ва беда ҳосилдорлиги ҳар бир вариантнинг ҳисобга олиш майдончаларидаги ҳосил қўлда йиғиштириб олиниб тортиш йўли билан

INTRODUCTION (Abstract of Ph.D. thesis)

The research aim is to assess the effect of alfalfa cultivation during the interim period of cotton:wheat alternation system on properties and fertility of soil and yield of cotton grown as sequential crop in conditions of meadow-saz soils of the Fergana province.

The research objects are light meadow-saz soils of the Fergana province, cotton variety «Namangan – 77», winter wheat variety «Polovchanka», alfalfa variety «Tashkent – 1».

The scientific novelty of the research are:

For the first time, the various timing and methods of alfalfa production intercropped with winter wheat in the cotton:wheat rotation system were developed in conditions of meadow-saz soils of the Fergana province;

Amounts of root and stubble residues of the winter wheat and alfalfa grown in the cotton:cereal rotation system were estimated and their influence on soil fertility explored;

The effects of winter wheat and alfalfa intercropping on growth, development and yield of cotton cultivated as sequential crop in the rotation were determined;

The cultivation efficiency of alfalfa and wheat intercropped and subsequent cotton production in the rotation system were identified.

Implementation of the research results. Based on research results of the alfalfa production in the interim period of wheat and cotton alternation in conditions of meadow-saz soils of the Fergana province:

the recommendation entitled: «Efficiency of interim alfalfa production in the cotton:wheat rotation» was developed (Reference No 7/21-89 of the Ministry of Agriculture and Water Resources from January 23, 2018). This recommendation is used as manual in the multisectoral farms for alfalfa production in the interim period between wheat and cotton rotation system.

The developed agrotechnology of alfalfa production during the interim period of winter wheat:cotton alternation system was implemented in the «Yuksalish Chorva Sahovati», «Begoyim Fayz Barakasi», «Zulfiya Oltyarik» and «Begas Naslehilik» farms of the Oltyarik district on the area of 43,7 ha and in the «Rohatoy» and «Safarali Teshaboev» farms of the Kuva districts, Fergana province on 55,0 ha (Reference No 7/21-89 of the Ministry of Agriculture and Water Resources from January 23, 2018). As a result, the achieved cotton yields were 3,20 t ha⁻¹, which were by 0,30 t ha⁻¹ higher compared with conventional cultivation methods.

The developed agrotechnology of alfalfa production during the interim period of winter wheat : cotton alternation system was implemented in the 45,0 ha of the

The theme of doctoral dissertation (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3.PHD/Qx145.

The doctoral dissertation was conducted at Andijan Agricultural Institute.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the website www.cottonagro.uz and on the website of "ZiyoNet" Information and educational portal www.ziyounet.uz.

Scientific supervisor: **Ibragimov Odiljon Olimjonovich**
Doctor of agricultural sciences

Official opponents: **Tellyaev Rikhsivoy Shomakhmadovich**
Doctor of agricultural sciences, professor

Tadjiev Mardon
Doctor (PhD) of agricultural sciences, senior researcher

Leading organization: **Samarkand Agricultural Institute**

The defense will take place "____" _____ 2018 at _____ at the meeting of Scientific council No.DSc.27.06.2017.Qx.42.01 at Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnologies Research Institute (Address: 111202, Tashkent province, Kibray district, Botanika, UzPITI street, Tel. (+99895)-142-22-35, fax: (+99871) 156-61-34, e-mail: g.selek@qsvxv.uz).

The doctoral dissertation can be reviewed at the Information Resource Centre of the Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnologies Research Institute (is registered under No. ____). Address: 111202, Tashkent province, Kibray district, Botanika, UzPITI street, Tel. (+99895)-142-22-35, fax: (+99871)-150-61-34).

Abstract of dissertation sent out on "____" _____ 2018 y.
(mailing report No. ____ on "____" _____ 2018 y.).

Sh.J.Teshaev

Chairman of the scientific council awarding scientific degrees, doctor of agricultural sciences, professor

F.M.Khasanova

Scientific secretary of the scientific council awarding scientific degrees, PhD of agricultural sciences, senior researcher

J.Kh.Akhmedov

Chairman of the scientific seminar under the scientific council awarding scientific degrees, doctor of biological sciences, senior researcher

аниқланди. Ҳосилдорлик маълумотларига Б.А.Доспехов (1985) услуги бўйича математик ишлов берилди.

Амалга оширилган дала тажрибаларида ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимининг оралиқ муддатида беда етиштиришни иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди. Дала тажрибаларини бошлашдан аввал тупрок намуналари (0 – 40 ва 40-60 см.) олиниб, ундаги умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.Н.Гриценко услубларида, нитрат шаклидаги азот ионометрик асбобда, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашувчи калий П.В.Протасов услубларида алангали фотоколорометрда аниқланганлиги қайд этилган. Шунингдек, беданинг тупроқдаги умумий ва ҳаракатчан озика элементларига таъсири ўрганиб борилди.

Тупроқнинг механик таркиби М.И.Братчеванинг гексометофосфат натрий қўлланилган пипетка усулида, тупроқнинг ҳажм массаси кесувчи цилиндр ёрдамида, тупроқ агрегат таркиби Саввиновнинг курук элаш усулида, сувга чидамли агрегатлар миқдори Павлов бўйича, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги С.Н.Рыжов цилиндри усулида, тупроқдаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори сувли сўрим ёрдамида лабораторияда таҳлил қилинди.


Беданинг тупроқда анғиз массаси тўплаши монолит (50x50 см) олиш йўли билан, илдиз қолдиқларини ювиш орқали аниқланди.

Диссертация иш дастурига биноан илмий изланишлар Фарғона ва Андижон вилоятларининг тупроқ-иқлим шароитларида олиб борилган. Тажрибалар схемасига асосан илмий изланишларда ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқотлар объекти сифатида олинган экинлар навларининг биологик ва кимёвий тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари ва таҳлили» деб номланган учинчи бобида тажрибамизда бедадан кейин тупроқдаги умумий азот миқдори дастлабки ҳолатига нисбатан 0,011-0,021 фоизга, азотнинг назоратдаги умумий миқдорига нисбатан 9,3-17,8 фоизга ортгани ҳолда ғўза амал даври охиридаги фарқи мос равишда 0,009-0,016 ва 7,3-13,6 фоиздан иборатлиги кузатилган. Бедадан кейин ғўза ўстирилганда тупроқнинг устки 0–40 см қатламида умумий азот миқдорининг тупроқ оғирлигига нисбатан 0,014-0,016 фоизга, уни азотнинг умумий миқдорига нисбатан 11,6-13,6 фоизга камайганлиги аниқланди. Шунга қарамадан, тажрибанинг бедапоя баҳорда шудгорланган вариантларида (5, 6, 7, 8, 12 ва 13-вар.) тупроқнинг 0–40 см қатламида, ялпи азот миқдори дастлабки ҳолатга қараганда бедани экиш муддати ва усулларига боғлиқ ҳолда (0,002-0,005%) бироз кўпроқ бўлиш тенденцияси кузатилган.

Тажриба вариантларида, кузги буғдойни беда билан экиш ва бедапояни шудгорлаш олдидан тупроқдаги ҳаракатчан озика моддалари миқдорига тегишли фарқлар кўзга ташланди (3-расм). Бунда нисбатан энг кўп нитрат азоти беда уруғи эрта баҳорда, кузда очиқ майдонга экилиб кўклаб турган буғдой ниҳоллари орасига сепилган бедапоя шудгорланиб, кейин ғўза экилган 10 ва 12-вариантларда қайд этилиб, унинг миқдори мос равишда 37,8 ва 39,1 мг/кгга тенг бўлгани аниқланган. Қолган тажриба вариантларида ҳам нитрат азоти

назорат вариантыдагидан сезиларли даражада кўпроқ эканлиги кузатилди. Бедадан кейин ғўзанинг гуллаш даврида тупроқдаги озика элементларига, сувга бўлган талаби энг юкори бўлган даврда ҳайдов қатлами тупроғининг агрохимёвий тахлили маълумотларининг кўрсатишича, беда уруги кузда экилган ва баҳорда март ойининг биринчи ўн кунлигида экилган вариантларда нитрат азоти миқдорини ҳам ортиши кузатилган. Масалан, 10 ва 12-вариантларда унинг миқдори 40,7 ва 42,8 мг/кгни ташкил қилган. Лекин, ғўза амал даври охиридаги таҳлилларнинг кўрсатишича, тупроқ таркибидаги ҳаракатчан озика моддалар миқдорини жиддий камайиши юз берди. Негаки, бу даврга келиб ғўза ўсимлиги органик моддалар ҳосил қилиши учун тупроқ озикасини кўплаб ўзлаштирган. Бироқ, шу ҳолатда ҳам тажрибанинг 10–12 вариантларида бошқа вариантларга нисбатан нитрат азотининг энг юкори миқдорда эканлиги намоён бўлган.



3-расм. Бедани экиш ҳамда бедапояни шудгорлаш усуллари ва муддатларини тупроқдаги нитрат миқдорларига таъсири, мг/кг. (А-расм-0-40 см., Б-расм-40-60 см қатламда, ўртача 2009- 2010 йй)

Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори бўйича маълумотлар таҳлил қилинганда ҳам тажриба вариантларида нитрат азотидагидек қонуниятлар қайд этилди ва у 10–12 вариантларда 0–40 см тупроқ қатламида 28,6 ёки 27,3 мг/кгни ташкил этган.

Тупроқдаги алмашувчи калий (K_2O) озикаси миқдори ҳақида ҳам азот ва фосфор сингари монанд фикрларни айтиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тупроқда нисбатан энг кўп миқдордаги калий назорат вариантыда аниқланиб, у 280 мг/кгга тенг бўлди.

Калий озика унсурининг миқдори ғўза амал даври давомида камайиб борди. Унинг нисбатан кўп миқдори 3–6 ва 7-вариантларда 210 ва 205 мг/кг бўлгани аниқланган. Тупроқдаги ҳаракатчан озика элементларидан ҳаракатчан фосфор ва алмашувчи калий миқдорлари назоратдан сезиларли фарқ қилмади. Аммо, нитратли азот миқдори тупроқнинг ҳайдов қатламида энг юкори даражада – 42,8 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Тажрибада беданинг 3-ўрмидан кейин ерни шудгорлашгача муддатда ҳосил бўлган 20,2-26,4 ц/га миқдоридеги, шунингдек, бедапоя баҳорда шудгорланган вариантларда ерни ҳайдашгача бўлган давр ичида ҳосил бўлган 28,3-33,6 ц/га миқдордаги беда яшил кўк массаси КИР-1,5 агрегати билан майдаланиб, далага бир текис сочилган. Кейин эса анғизи билан бирга 40 см

BOTIROV MIRZOHID ISMONHUJAEVICH

**EFFICIENCY OF ALFALFA PRODUCTION IN THE INTERIM PERIOD OF
THE COTTON:WHEAT ALTERNATION SYSTEM
(in conditions of light meadow-saz soils of the Fergana province)**

06.01.01 – General Agriculture. Cotton production


**ABSTRACT OF DOCTORAL DISSERTATION (PhD)
ON AGRICULTURAL SCIENCES**

TASHKENT – 2018

и люцерны в начале октября-ноября в поле после уборки стеблей хлопчатника, а весной – посеять семена в первой декаде марта проростками пшеницы, с запахиванием люцерны в 3-й декаде марта следующего года на глубину 40 см и последующей высева семян хлопчатника 15-20 апреля.

чукурликда сифатли шудгорланган. Бедани бугдойдан гўзагача бўлган орилик муддатда парваришлаш натижасида тупроқнинг 0–60 см қатламида уни экиш ҳамда бедапояни шудгорлаш муддати ва усулларига боғлиқ ҳолда 1- дала тажрибасида гектарига 82,3-139,7 ц/га органик қолдиқ тўплангани аниқланган (1-расм).

Амал давридаги ҳароратнинг етарли даражадалиги ва табиий ҳолда яхши шароитда тупроқ микроорганизмларининг фаоллиги сабабли, бугдой ва бедани тупроқда қолдирган илдиз ҳамда анғиз қолдиқларини самарали парчаланиши тупроқнинг агрофизик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатган.



1-расм. Бедани экиш ва бедапояни шудгорлаш муддат ва усулларига кўра тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқлари тўпланиши, ц/га (2008 й.)


Дала шароитида макро ва микроагрегатлар миқдори кўп ва тупроқ ҳолати яхшилиги беда уруғини баҳорда март ойининг бошида кўклаб турган бугдой орасига сепилган 10 ва 12-вариантларда кузатилган. Бунда 0,25 ммдан йирик агрегатлар миқдори ҳайдов қатламида вариантга мос ҳолда деярлик бир хил 9,40 фоиз эканлиги аниқланган. Ҳайдов ости 40–60 см қатламида эса бу кўрсаткич 14,60 ва 14,20 фоизга тенг бўлиб, қолган вариантларда сувга чидамли агрегатлар бироз кўплиги кўзга ташланган.

Олинган маълумотларимизга кўра, бедани экиш усуллари, муддатлари ва тупроқни шудгорлаш муддати тупроқ ҳажм массасига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб (2-расм), тупроқнинг қуйи қатламларида ҳажм массаси бўйича вариантлараро фарқлар бироз камайиш тенденцияси кузатилган.

Ҳайдов қатламидаги энг энгил ҳажм массаси кузда гўзапояси йиғиштириб олиниб, очик майдонга экилгандаги бугдой ниҳоллари орасига беда уруғи баҳорда (5–10 март) сепилганда (12-вар.) қайд этилган. Мазкур тажриба вариантыда ҳажм массасининг ўртача кўрсаткичи 1,23 г/см³ га тенг бўлган.

Тажриба даласи тупроғининг 1, 2, 3 ва 6 соатдаги сув ўтказувчанлиги 2009 йилда гўза ўсимлиги ўсув даврининг бошида бир хил бўлганлиги кўзга ташланди. Гўза ўсимлигини ўсув даврининг оммавий гуллаш фазасида (25 июнь) вариантлар орасида тупроқ сув ўтказувчанлиги кўрсаткичи бўйича

фарклар қайд этилган. Маълумки, бу даврга келиб тупрокка кузда ҳайдов остига кўмилган бугдой ва беданинг анғиз ва илдиз колдикларининг муайян қисми чириб улгурган. Шунинг билан бирга ғўза қатор ораларига ишлов берилиши ҳам ижобий омиллардан ҳисобланади. Бугдойдан кейин ҳайдаб қўйилган, беда экилмаган назорат вариантыда (1-вариант) тупрокнинг сув ўтказувчанлиги нисбатан паст, 6 соатда 464 м³/га бўлганлиги, бугдой ичига беда ҳамкор экилган ва кузда ҳайдов қилинган 6-вариантда 494 м³/га ҳамда бугдой ва беда очик майдонга кузда ҳайдов қилиб экилган 10 ва 12-вариантларда тупрокнинг сув ўтказувчанлиги 498 м³/га бўлганлиги, яъни бироз ошиш тенденцияси кузатилган.



2-расм. Бедани экиш ва шудгорлаш муддатларини тупрокнинг ҳажм массасига таъсири (2008 йил ўсув даври боши)

Тупроқ намуналарининг лаборатория таҳлиллари натижасига кўра, тупрокнинг 0–40 см қатламида органик чиринди микдори беда экишдан аввалги ҳолатига қараганда 0,063-0,109 фоизга, умумий органика микдорига нисбатан олганда 6,5-11,3 фоизгача ортганлиги кузатилди. Шунингдек, тупрокнинг янада чуқурроқ 40-60 см қатламида ҳам мос равишда қисман (0,066-0,117 ва 8,6-16,0%) ортганлиги кузатилган.

З.Турсунходжаев, М.Сорокин, Л.Торопкиналарнинг (1980) фикрича, ҳайдов ва ундан чуқурроқ қатламда беда илдиз тизимини фаол ривожланиши, органик ва биологик азот тўпланиши ҳамда тупроқ зичланиши ва бошқа агрофизик, мелиоратив, микробиологик хусусиятларга ижобий таъсири деярлик бошқа экинларда учрамайди.

Бугдой беда билан ҳамкор ўстирилганда ўсиш-ривожланиши ва унинг ҳосилдорлигига таъсири таҳлил қилинган. Унга кўра, поя баландлиги, маҳсулдор поялар сони, битта бошоқдаги донлар оғирлиги, 1000 та донни массаси каби кўрсаткичлар вариантлар бўйича ўрганилган. Бугдой экиш учун кузда ер шудгор қилиниб, очик майдонга экилган майса ичига март ойининг биринчи ўн кунлигида беда сепилган вариантларда бугдойнинг дон ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 1,8 ц/га кўп бўлди. Бу бугдой уруғларини ғўзапояси очик майдонга экилганлиги, кўчатлар майдон бирлигига бир текис жойлашганлиги ҳамда беда бугдой кўчатларига зарар етказилмаганлиги оқибатидир.

микроагрегатив (вариант 12). Содержание макроагрегатив в пахотном слое (0-30 см) почв составило 9,26 %, а микроагрегатив – 14,0%.

4. Наиболее легкий объемный вес в пахотном слое почв наблюдался при посеве люцерны весной (5-10 марта) между растениями пшеницы, посеянной осенью в открытом поле после очистки от стеблей хлопчатника (вариант 12). В этом варианте, средний показатель объемного веса оказался равен 1,23 г/см³, а в нижних слоях почв отмечалось относительное снижение разницы объемного веса по вариантам. Это объясняется благоприятным влиянием накопления в больших количествах органических веществ и улучшением макро и микроагрегатив в почвах.

5. Доказано, что возделывание люцерны с целью частичного восстановления плодородия почв в промежуточный период в интенсивной системе чередования культур хлопчатник:пшеница весной между растениями пшеницы в условиях светлых лугово-сазовых почв, не оказывало негативного влияния на рост, развитие и урожайность пшеницы. Наиболее благоприятным периодом для посева люцерны под покровом пшеницы является первая декада марта, а в осенний период – первая декада ноября, в открытом поле под растущей пшеницы, с оптимальной густотой стояния растений в обоих случаях в среднем соответственно составило 1528-1536 и 1289-1764 тыс. шт./га. Урожайность озимой пшеницы в контрольном варианте составила 44,4 ц/га, при посеве семени люцерны в марте – 44,0-45,3 ц/га, в ноябре – 42,9-44,7 ц/га. При этом практически негативного эффекта не наблюдалось.

6. Выращивание люцерны в промежуточный период в интенсивной системе чередования посевов хлопчатник:пшеница хоть и частично создает условия для восстановления плодородия почв, установлено повышение урожайности последующей культуры хлопчатник. В варианте посева пшеницы в ноябре на поле, очищенном от стеблей хлопчатника, ее урожайность составила 32,7 ц/га, а в варианте с посевом в первой декаде марта проростками пшеницы – в среднем 32,9 ц/га. При этом достигнуто прибавка урожая по сравнению с контролем 3,8 ц/га.

7. При посеве озимой пшеницы в первой декаде ноября в открытом поле, очищенном от стеблей хлопчатника, чистый доход составил 445,8 тыс. сум/га. За счет выращивания люцерны и пшеницы осенью в открытом поле, чистая прибыль составила 64,8 тыс. сум/га, а рентабельность – 31,7%, а при посеве люцерны семенами в первую декаду марта после уборки пожнивных остатков пшеницы в ноябре – соответственно 24,4 тыс. сум и 20,0%.

8. Для оптимизации плодородия почв и повышения урожайности последующей культуры хлопчатника в условиях светлых лугово-сазовых почв Ферганского и Андижанского вилоятов при интенсивной системе чередования культур (1:1) хлопчатник:зерновые рекомендуется производить посев пшеницы

Наиболее высокая экономическая эффективность достигалась в вариантах при посеве люцерны в первой декаде марта между растениями пшеницы, посеянной в междурядья хлопчатника после второго сбора урожая хлопко-сырца (вариант 3) и особенно при посеве в первой декаде ноября на открытом поле, после очистки от стеблей хлопчатника (вариант 10). В частности, в первом случае чистый доход за счет возделывания люцерны составил 58,0 тыс. сум/га, а уровень рентабельности – 29,5%, а во втором эти показатели соответственно были равны 64,8 тыс. сум/га и 31,7%.

Следует отметить, что при возделывании хлопчатника после люцерны, выращиваемой в промежуточный период (рис. 7), за счет созданного агрофона на основе различных способов и сроков посева, была достигнута прибавка урожая в среднем на 2,1-3,9 ц/га, а уровень рентабельности повысился на 7,9-14,8%. Кроме того, доказано трудно оцениваемое с экономической точки зрения влияние совместного выращивания озимой пшеницы и люцерны при различных способах и сроках посева на экологию почв, их агрофизические, агрохимические, микробиологические и воспроизводственных свойств почв, а также накопление биологического азота в почвах.

ВЫВОДЫ

1. В результате проведенных исследований выявлено, что при интенсивном системе чередования культур хлопчатник:зерновые посеянной в первой декаде марта в промежуточный период между озимой пшеницей и хлопчатником под растущей пшеницы, посеянной осенью в открытом поле после уборки стеблей хлопчатника и проведения весенней вспашки люцернового поля с образовавшимися на следующий год корневыми остатками и зеленой массой после третьего укоса урожая люцерны с измельчением при помощи агрегата КИР-1,5 и равномерного распределения по полю, достигается возможность накопления в 0-60 см слое почв всего 139,7 ц/га ценной органической массы.

2. Анализ содержания питательных элементов в почвах в варианте 12 с возделыванием люцерны, посеянной семенами в первой декаде марта (5–10) между растениями пшеницы, посеянной осенью в открытом очищенной от гузапаи поле до посева хлопчатника показал, что в пахотном слое (0-30 см) почв содержание нитратного азота повысилось до 39,1 мг/га, подвижного фосфора – 25,9 мг/кг, а обменного калия – 240 мг/кг, то есть отмечалось, что содержание нитратного азота до посева люцерны увеличилось на 2,8-4,0 мг/кг.

3. При посеве пшеницы в очищенной от гузапаи поле с последующим посевом люцерны между растениями в первую декаду весны (5-10 марта) наблюдались положительные изменения состояния почвенных макро- и

Тажриба даласида экиш усуллари тупроқ сув ўтказувчанлик хусусиятига, тупроқ таркибидаги умумий ва харакатчан озика моддалар микдорига таъсири ўрганилган бўлиб, энг яхши натижалар 12-вариантнинг хайдов қатламида қайд этилган. Бедани эрта баҳорда (10 мартда) ғўза қатор орасига ва айниқса, ғўзапоя йиғиштириб олинб очик майдонга (3,10-вар.) кузги бугдой ниҳоллари орасига сепилганда, уруғлар униб чиқиши 14-16 кунни, унувчанлиги эса 89,0 ва 90,8 % ни ташкил этди.


Натижаларнинг кўрсатишича, 1-дала тажрибасида беда уруғи пахта хомашёси биринчи теримдан кейин ўсиб турган ғўза қатор ораларига сепилиб (9-вар.) уруғ тўла ундириб олинганда, беда кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 1 млн. 549 минг тупни ташкил этди. Баҳорда ўсув даври бошланишида 1 млн. 324 минг туп кўчат қолганлиги кузатилиб, ўсимлик қишлоқ даврига қадар 2,7 % , қиш ойлари давридаги совуқ таъсирида 12,1 % беда ниҳоллари нобуд бўлганлиги аниқланди. Худди шунингдек, беда пахтанинг 2-теримдан кейин ғўза қатор орасига экилганда (24 сентябрь), тажрибанинг 2-вариантида қишлоқ даврига қадар 2,3 фоиз, қишлоқ даврида эса 15,3 фоиз кўчат йўқотилгани аниқланган.

Тажриба натижаларига кўра, беда уруғи кузги бугдой билан бирга экилганда (4-13 вариантгача) энг юқори 74,7-88,7 ц/га пичан ҳосили олинган.

Диссертациянинг «**Ғўза:ғалла жадал навбатлаб экишнинг оралик муддатида беда парваришларининг издош экин-ғўзанинг ўсиш, ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида бугдой ниҳоллари орасига беда сепиш муддатлари ва шудгорлашни издош экин кўчат қалинлигига ҳамда уларни яшаб қолишига таъсири ўрганилганда, барча вариантларда чигит униб чиқиши яхши бўлиб бир текис кўчатлар олинган. Аммо, бедапоя хайдови 40 см чуқурликда ўтказилишига қарамадан ғўза кўчатларини сақлаб қолинишида беда экилган вариантларда камайиш тенденцияси кузатилган. Бу вариантларда биринчи тажрибада кўчатлар 17,4-19,6 минг туп, иккинчи ҳолатда 20,8-22,4 минг тупга камайиб кетганлиги кузатилган. Бу ҳолат ҳақиқатда хайдов остига сезиларли даражада дуккакли, беда экини органик массасини тушганлигини ҳамда кўплаб олимлар томонидан исботланган аммиак ажралиб чиқиши сабаб бўлаётганлигини яна бир бор исботлади.

Кузги бугдой беда билан бирга етиштирилгандан кейин ғўза етиштирилганда, хайдов қатлами тупроғининг агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари кўчат қалинлигига, ўсимлик бош поясининг ўсишига ҳам таъсири кузатилди. Жумладан, ғўза парваришланганда (2008 й.) биринчи назорат вариантыда 1-сентябрь ҳолатига бош поя баландлиги 79,3 см, ер бедапоядан кейин кузда шудгор ўтказилган 2, 3, 4, 9, 10, 11-вариантларда эса бош поя баландлиги назорат вариантыга нисбатан 0,4 - 12,9 смгача баланд бўлганлиги кузатилган. Бедапоя эрта баҳорда шудгор қилинган 5, 6, 7, 8, 12 ва 13-вариантларда ғўза баландлиги 90,2 смдан 93,6 смгача бўлгани ҳамда назорат варианты ўсимликларига қараганда 13,4-16,8 смгача баландроқ эканлиги қайд этилган. Бунинг сабаби, фикримизча тупроқдаги ўтмишдош экинлар беда ва

